

МУЛЛА БОЗОР ОХУНД ЁДГОРЛИГИ

*Наманган вилояти тарихи ва маданияти
давлат музейи катта илмий ходими*

Валиева Ҳадияхон

Наманган шаҳрининг Лаббайтога даҳаси, Курашхона мавзеи Намангансой соҳилида жойлашган Мулла Бозор Охунд ёдгорлиги мажмуаси халқимизнинг тафарруқ масканларидан биридир.

XVII асрнинг йирик мутасаввуфларидан бири олим ва шайх Мулла Бозор Охунднинг тўлиқ исми Хожа Убайдуллоҳ ибн Султон Муҳаммад Бобур Қорахон Мулла Бозор Охунддир. Ул зот XVI аср охири (санаси номаълум) Наманган шаҳрида таваллуд топган. Бошланғич таълимни уйда, кейинги босқични Наманган мадрасаларида олган. Илмга ташналик уни Туркистоннинг илм-фан маркази бўлмиш Бухорога олиб келган. Бухорода донишманд олим Мирзо Баҳодир Бухорий билан танишди, ундан таълим олди. Устозини пир, ўзини мурид ҳисоблаб, узоқ йиллар олимнинг хизматида юрди. Мирзо Баҳодирдан иршод хатини (пирнинг ёрлиғини) олгач, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилди. Қошғарнинг Хўтан, Ёрканд шаҳарларида бўлди. У ерда Ҳидоятulloҳ Офоқ Хўжа билан танишди. Наманганга қайтгач, қолган умрини имомлик ва мударрисликка, кишиларни тўғри йўлга солишдек шарафли, машаққатли юмушга сарф этди. Мулла Бозор Охунд ўз даврининг фикҳ, ҳадис, тарих, география, илми ҳисоб, фароиз, адабиёт, руҳиятшунослик ва бошқа билимларни яхши эгаллаган йирик мутафаккир эди. У туркий, арабий ва форсийда ижод қилган шоир ҳамдир. Ул зот оташнафас шоир Бобораҳим Машрабга илк сабоқ берган, унинг шоир бўлиб етишишига катта ҳисса қoшган ва уни ягона Аллоҳга эътиқод, фоний дунё ҳавасларига кoнгил қўймаслик руҳида тарбиялаган меҳрибон устоз эди. Мулла Бозор Охунд 1668 йил Наманганда вафот этган.

Мамлакатимиз истиқлолга эришиш арафасида, 1990 йилда маҳаллий аҳоли ҳашар йўли билан Мулла Бозор Охунд мажмуаси қурилишини бошлаб юборди. Бироқ, иқтисодий танглик туфайли бу қурилиш ниҳоясига етмай қолди. Муқаддам бу ерда мавжуд бўлган мадраса ва мақбара XX асрнинг 30-йилларида бузиб юборилган эди. 1993 йилда меъморий мажмуани қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўша йилнинг 25 декабрида мажмуа асосий дарвоза қисмига қозик қоқилди. Қурилиш ишлари 1994 йилнинг 18 майида тугатилди. Уни Наманган бош меъмори Абдужаббор Абдуғаффоров бошчилигидаги ёш, иқтидорли меъмор Одилжон Қодиров амалга оширди. Мажмуа қурилишида Уста

Фозил Намангонийнинг фарзанди Уста Турғунбой Фозилов ҳамда Уста Неъматулла Қўчқоровлар етакчилигида энг малакали қурувчилар иштирок этдилар. Ушбу меъморий ёдгорлик Наманган вилояти ҳокимининг 2006 йил 5 майдаги 200-сонли қарори билан маҳаллий тоифадаги маданий мерос объекти сифатида давлат муҳофазасига олинган.

Мулла Бозор Охунд ёдгорлик мажмуаси 3 қисмдан иборат:

Асосий кириш дарвозаси пишиқ ғиштдан масжидга кириш жойида қурилган. Уч гумбазли, ўртадаги гумбаз каттароқ бўлиб, пастки қисми дарвоза учун мўлжалланган. Дарвозанинг икки томонида мезана шаклидаги баланд куббадор устунлар жойлашган. Бошқа икки гумбаз ости 3,5×3,5 метрли хужралардан иборат. Хужраларнинг давоми сифатида хоналар қурилган (9×3,5 метрли).

Жомеъ масжиднинг асосий катта хона-хонақоҳи ертўлали, пишиқ ғишт ва темир-бетон панелдан қурилган. Ўлчами 30×24 метр. Сатҳи 720 квадрат метр. Уч томони айвон. Уст унлар ва пештоқи миллий безаклар бериб пишиқ ғиштдан тикланган. Ўлчами 36×6 метр ва 24×6 метр, сатҳи 576 квадрат метр. Асосий дарвозадан киришда қибла томонда айвонга туташ ҳолда 16 метрли мезана-минора пишиқ ғиштдан безакли қилиб тикланган, "Аллоҳ, Муҳаммад" деган ёзувлари бор. Масжид 3 минг намозхонга мўлжалланган.

Мулла Бозор Охунд мақбарасида олим дафн этилган. Асосининг ўқ чизиғи 6 метр, умумий баландлиги 24 метр. Беш қиррали кўпбурчак шаклида аввал 8 метр ва кейин етти қиррали кўпбурчак шаклида призма қилиб қурилган. Устига доира шаклидаги қисм ва гумбаз барпо этилган. Мақбара кўриниши ва тузилиши исломдаги шариат, тариқат қонунларини рамзий тарзда ифода этади. Мақбаранинг дастлабки беш қиррали қисми исломдаги 5 амални, кейинги 7 қиррали қисми имондаги 7 шартни, доира шаклидаги 40 та қирра 40 фарзни ифодалайди. Бу қисмга "Бисмиллаҳир раҳманир роҳийм, Аллоҳ" деб ёзилган. Мақбара қурилишида пишиқ ғишт, темир-бетон, сопол кошинлар, ёғоч эшик ва панжаралардан фойдаланилган.



Намангандаги Мулла Бозор Охунд биноси

